

Халқ Сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

3 октябрь, сешанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 190 (1192)

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

2 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халидов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Германия Бундестагининг аъзоси, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Парламент Ассамблеясининг Вице-президенти Вилли Виммерни қабул қилди.

Дустона вазиятга ўтган сўбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

ТОШКЕНТДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ



1 октябрь куни Тошкентдаги «Алтомия» спорт мажмуида бокс бўйича ўн саккизинчи Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, чемпионатни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков қутлади.

У Ўзбекистон Президентини Ислом Каримов номидан Тошкентга келган 19 мамлакат спортчиларига муваффақиятлар тилаб, республикамизда иқтисодий ва маданиятда юз бераётган туб ўзгаришлар билан бир қаторда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилётганини таъкидлади. Мустақил йилларида юзлаб спорт мажмуи ва стадионлар қайтадан тикланиб, таъмирланди, янги иншоотлар барпо этилди, халқаро андозалар талабига жавоб берадиган теннис кортлари фойдаланишга топширилди.

Кейинги йилларида Ўзбекистон жуда кўп халқаро мусобақалар ташкилотчиси бўлди. Улар орасида яқинда ўтказилган биринчи Марказий Осиё ўйинлари, теннис

бўйича «Президент кубоги» учун ўтказилаётган анъанавий мусобақаларни алоҳида таъкидлаш зарур.

Исмомил Жўрабеков барча спортчиларга галабалар тилаб, бокс бўйича Осиё чемпионати спорт оламида янги-янги номларни кашф этиши, Осиё халқларини янада яқинлаштиришига умид билдирди.

Ҳаваскор боксчилар жаҳон ва Осиё федерацияси президенти, профессор Анвар Чаудри Ўзбекистонда Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида улкан ишлар қилинаётганини мамнуният билан қайд этди. Шунинг учун ҳам ўзбекистонлик боксчилар йи-

рик халқаро мусобақаларда муваффақият билан қатнашмоқда.

Бокс бўйича ўн саккизинчи Осиё чемпионати очилди деб эълон қилинди. Миллий либос кийган қизлар иштирокчиларга гуллар тақдим этди.

Чемпионатнинг тантанали очилиш маросими иштирокчиларга боалалар иходий жамоалари, машҳур хонандалар, «Ялла» вокал-чолгу ансамбли концерт кўйиб беришди.

Чемпионатнинг очилиш маросимида Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Бокс федерацияси президенти Уктам Исмоилов иштирок этди. (ЎЗА)

Ҳамкорлик рибталари

ЯПОНИЯ ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ЭЪТИБОРИ

Республикамиз олий ўқув юртинининг бир қанча аспирант ва талабалари Япониянинг «Футсима-Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлиги уюшмаси ташкил этган истеълод-ли ёшларни қўллаб-қувватлаш маъноси жағмафаси стипендияти бўлиши. Ўзбекистон Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида ана шу стипендияларни топшириш маросими бўлди. Унда кунчиқар ҳамлакатининг Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик Парламент уюшмаси делегацияси аъзолари, республикамиз жамоат ташкилотлари вакиллари, шарқшунос олимлар ва талабалар иштирок этдилар.

Уюшма раиси Мираҳмад Мирсоҳибов қайд этганидек, Ўзбекистон билан Японияни боғлайдиган ришталар узоқ ўтмишта — Буюк ипак йўли даврида бориб тақалади. Ўзбекистон Президентини Ислом Каримовнинг ўтган йили Японияга қилган ташрифи ўзаро алоқалари янада ривожлантириш имконини берди.

Учрашувда иштирок этган маъмур парламент уюшмаси бошлиғи Хироси Кунаган халқаро ўртасидаги муносабатлар тинчликсеварлик ҳамда кенг ҳамкорликка интиштиш асосида ўрнатилиши лозимлигини таъкидлади. Ушбу қарордан уюшма фаолияти мана шу тамойилга асосланган.

Учрашувда Япониянинг Ўзбекистондаги Фивкулода ва мутхор элчиси Укеру Магосаки иштирок этди.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БОШЛАНДИ

2 октябрь куни Тошкентда Германия ва Ўзбекистон: тарихий, сиёсий ва стратегик жиҳатдан қисёлаш муаммолари мавзусида халқаро конференция бошланди. Анжумани Конрад Аленауэр номидаги жағмафаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Стратегик ва минтақалараро талқиқотлар институти ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Хавфсизлик, ташқи сиёсат ва жаҳмиёт тарқққети масалаларига бағинланган ушбу халқаро тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, турли вазирликлар ва илмий тадқиқот институтлари мутахассислари, шунингдек, Германия Федератив Республикаси, Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия Федерацияси ҳукуматларининг вакиллари иштирок этмоқда.

Матлумки, 15-16 сентябрь кунлари республикамиз пойтахтида Марказий Осиёда Хавфсизлик ва Ҳамкорлик масалаларига бағинланган кенгаш семинари ўтказилган эди. Бу гуниги тадбир ана шу кенгаш семинарининг натижаларини таҳлил этишга бағинланди.

Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Стратегик ва минтақалараро талқиқотлар институтининг директорини профессор М. Раҳмонқудов очди. Республика ташқи ишлар вазирини А. Комилов конференция иштирокчиларини Ўзбекистон зиминида қўллаб, маъмур тадбир мамлакатимизда жаҳмиёт ривожини таъминлаш, бирқарорлик ва хавфсизлиқни мустақамлаш ишита муҳим ҳисса қўйишини таъкидлади.

Анжуман қатнашчилари жаҳмиёт тарқққети, ташқи сиёсат ва бошқа манзулар бўйича мунозаралар ўтказди.

Халқаро конференция ўз ишита давом эттирмоқда. (ЎЗА)

БАНК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Республика Марказий банкида «Банк тизими: танлаш ва жорий этиш» мавзусида семинар бўлди.

Уни Марказий банк, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва «Делойт энд туш» консалтинг фирмаси ҳамкорликда ташкил этди. Анжуманда республикадаги стақий ҳиссдорлик-тижорат банклари, шунингдек, Ўзбекистон-Туркия «ЎТ-Банки» ва Ўзбекистон-Голландия «Приватбанк» халқаро банклари вакиллари иштирок этди.

Семинарда республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллахонов Ўзбекистон банк тизимида ахборот технологияларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар, банк тизимини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш масалалари хусусида маъруза қилди.

Халқ ҳўжалигининг муҳим бўғини бўлган банк тизимида ишларнинг жаҳон андозалари даражасида ташкил этилиши ҳамда банкларнинг энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши иқтисодий илоҳотлар самарасини таъминлашга катта ҳисса қўшади. Шу мақсадда Ўзбекистон ҳукумати банк тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Ҳозирги кунда банклар бир қанча солиқлардан озод қилиниб, бушаган маблағларни ўз фаолиятини компьютерлаштиришга сарфламоқда.

Ҳозир Ўзбекистондаги тижорат банкларининг 576 шохбасида ҳисоб-китоб ишлари тулқи шахсий компьютерларда амалга оширилмоқда. Уларнинг 514 таси, яъни 89,2 фоизи электрон туловлар тизимига уланган, қолганларини ҳам маъмур тизимга уланиш учун тайёрлаш йўлига кўриляпти.

Анжуманда бошқарув, бухгалтерия ҳисоб-китоблари ва аудит, компьютер тизимлари ҳамда ахборот технологиялари соҳасида профессионал маслаҳатлар бериш билан шуғулланувчи «Делойт энд туш» консалтинг фирмаси раҳбарлари йиғилганларини ўз компаниялари фаолияти билан таништириди. (ЎЗА)

Бирортаям танқид натижасиз қолмайди



«ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДЛАРИ, ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИ ЯНГИ МАВСУМГА ШАЙМИ?»

(«Халқ сўзи» 12 сентябрь, 1995 йил)

Газетамизда юқоридаги сарлаҳа остида босилган мақолада республикамиздаги қатор пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктлари янги ҳисоли қабул қилишга мухта шайимасалини танқид қилинган эди. Яқинда танқидий чиқиш бўйича қилинган ишлар, қўрилган чора-тадбирлар ҳақида мутасадди ўртоқлардан жавоб келди.

Уларнинг бири Ўзбекистон пахта ишита қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш акционерлик уюшмаси бошқаруви раиси муҳимини М. АКБАРОВДАН олдинди.

Мана бу жавоб эса пахта ишита қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш Сирдарё худудий акционерлик бирлашмаси раиси С. ИСМОИЛОВ илмоси билан келган.

Мақолада Сирдарё вилоят «Пахтаасаноатсотиш» бирлашмасида қаранди учта — «Патабол», «Малик» ва Волков номли пахта тозалаш заводларига қамчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Ушбу мақола бирча пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктларида муҳокама этилди. Бирлашмада маъхус комиссия тузилиб, бирча завод ва тайёрлов пунктларининг ёнгина қарини кураш бўйича қилган ишлари текшириб қўрилди.

Ҳонуларга қўшимча ўт учирини насослари ўрнатилди ва ёнгина қарини назорат органларининг кўрсатмаларида қайт этилган камчиликлар тузатилади.

Ҳозирги кунда пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктларининг қайта таъмирландан қабул қилиш туғатиламоқда ва уларни қабул қилиш бўйича илоҳотнома тузиломоқда. Бу ишита барча назорат этишчи илоҳотлардан қамчилар қўрилмоқда.

Пахта заводлари ва тайёрлов пунктларининг ёнгина таъмирлаш ҳўлати мутахассислар томонидан кундалик назоратга олиниб, асосий эътиборда бўлиши таъминланимоқда.

«Мана бу жавоб эса пахта ишита қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш Сирдарё худудий акционерлик бирлашмаси раиси С. ИСМОИЛОВ илмоси билан келган.

Мақолада Сирдарё вилоят «Пахтаасаноатсотиш» бирлашмасида қаранди учта — «Патабол», «Малик» ва Волков номли пахта тозалаш заводларига қамчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Ушбу мақола бирча пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктларида муҳокама этилди. Бирлашмада маъхус комиссия тузилиб, бирча завод ва тайёрлов пунктларининг ёнгина қарини кураш бўйича қилган ишлари текшириб қўрилди.

Ҳонуларга қўшимча ўт учирини насослари ўрнатилди ва ёнгина қарини назорат органларининг кўрсатмаларида қайт этилган камчиликлар тузатилади.

Ҳозирги кунда пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктларининг қайта таъмирландан қабул қилиш туғатиламоқда ва уларни қабул қилиш бўйича илоҳотнома тузиломоқда. Бу ишита барча назорат этишчи илоҳотлардан қамчилар қўрилмоқда.

Пахта заводлари ва тайёрлов пунктларининг ёнгина таъмирлаш ҳўлати мутахассислар томонидан кундалик назоратга олиниб, асосий эътиборда бўлиши таъминланимоқда.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари таҳрир қилдилар

ТЕРМИЗ АЭРОПОРТИДАГИ МАРМАР ЙЎЛАКЧАЛАР

Мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси — Термиз аэропортида икк қаватли мухташам бино фойдаланишга топширилди.

Унда йўловчилар учун овқатланиш ва дам олиш хоналари, кутиш заллари, касса бўлимлари ва бошқа қулайликлар яратилган. Энди аэропортга шарқона услубидаги дарвозалар, атрофи фавворая гулзорлар, неон чироқлари осилган манзарали гуллар билан ўралган мармар йўлакчалар орқали кириладиган бўлди.

ПАРИЖДА ЎЗБЕК РАССОМИ АСАРЛАРИ КўРГАЗМАСИ

28 сентябрь куни Парижда «Флак» галереясида Ўзбекистонлик рассом Доиманиннинг суратлар кўргазмаси очилди. Кўргазма «Шоурлар боғи» деб аталади.

Бундан икки йил муқаддам Парижда бўлиб ўтган биринчи кўргазмадан кейин рассом асарлари Олмония, Бельгия, Гонконг ва бошқа бир қанча хорижий мамлакатларда муваффақият билан намойиш этилди. Мутахассислар, санъат шайдолари Доиманинги насб талантини юқори баҳолашмоқда.

Кўргазмада рассомнинг 20 дан ортиқ асари намойиш этилмоқда.

У бир ой давом этади.

БАРЧИНОЙ ТАШАБУСИ БИЛАН

«Дока хаб»нинг телевизордаги рекламасини кўп кўргансиз. Андижон туманидаги қадимий Бутақора қишлоғи аҳолиси рекламадаги гапларнинг тўғрилиғига амин бўлди.

Ишбилармон аёл Барчиной Назарова ташаббуси билан Тольяттин шаҳридан мавоза орқали керкли жиҳозлар олинди. Андижонлик мутахассислар эса, бу жиҳозларни ўрнатиб, ишга туширишга ёрдам беришди. Нон ёпадиган автоматик линияларни бошқарадиган ҳамда қанлолат маҳсулотлари тайёрлайдиган ёшларга иш ўргатишди.

26 та «Сиело»

Фаргона вилояти Ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган «Сиело» русумли хизмат машиналарига эга бўлди.

Фаргона вилоят ҳўкимлигининг ташаббуси билан вилоят ҳўжаликлари ихтиёрида қўлдилган пахта толасининг бир қисмига 26 та ана шундай машиналар харид қилинди. Бу машиналар ички ишлар ходимларининг тезкорлик билан ҳаракат қилишини таъминлайдиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ Тўғрисида

1995 йил 2 октябргача бўлган МАВСУМ (ФОИЗ ҲИСОБИ)

Бир қунда	маъхус бошидан бўён
Андижон	95,75
Хоразм	85,04
Фарғона	78,60
Наманган	76,79
Бухоро	75,66
Новий	67,13
Қорақалпоғистон Республикаси	1,45
Сурхондарё	1,56
Қашқадарё	2,58
Тошкент	3,07
Самарқанд	2,13
Сирдарё	2,55
Жиззах	2,80
Республика бўйича	1,99
1994 йилда	2,60

ПАХТАКОРЛАР ГАЛАБАСИ

Шаҳрихон тумани бобо-деҳқонлари қабул пунктларига 29 минг тонна «оқ олтин» топшириб, йиллик режани бажарди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 32,1 центнерни ташкил этди.

Мамлакатта 20 минг тонна пахта армуғун этган ёнгиналик пахта усталари ҳам қўзғаниги маррага эришди. Ҳосилдорлик ўртача 31 центнерга эди.

Андижон вилоятининг яна бир хушабар олинди: Булоқбўши тумани пахтакорлари талаба қўшилди. Улар қабул пунктларига 10 минг тонна яқин «оқ олтин» етказиб беришди. Ҳосилдорлик ўртача 29 центнер бўлди.

Маъмур туманларда пахта йиғим-терими қилган давом этмоқда. (ЎЗА)

«Оқ олтин» - 95

Шароф Рашидов туманидаги Абдулла Қодирий номли дехқон-фермер хўжалиги авзолари бу йил 300 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан режадаги 24 ўрнига 35 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Машиналар иқори унум билан ишлатиляётгани туфайли терим суръати тобора ошмоқда. Механизаторлар ўртасидаги мусобақада Абдурашид Қўшанов илғорлик қилаётир. Мавсумда ўз ағрегаги билан 180 тонна пахта теришга аҳд қилган Абдурашид хирмонга барака киритмоқда.

Сурапта: илғор механик ҳайдовчи Абдурашид Қўшанов.



Тохиржон Ҳамроқул олтган сураат.

ХАШАРЧИГА ХОЖАТ ЙЎҚ

РЕСПУБЛИКА қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти кўп йиллардан бери Мирзоқул туманидаги Суатон Сегизбоев номи ширкатлар уюшмаси пахта далаларида терим машиналари иш унумини ошириш, пахтани тўқмай териш устида тажриба ўтказмоқда.

ОЛИМЛАР ва пахтакорларнинг ҳамкорлиги узининг илмий натижаларини аллақачон намойён этган. Чунинчи, утган йили давлатта пахта сотиш режаси 102 фойз бажарилиди. 7379 тонна хомашеннинг 87 фойзи «пўлат этак»лардан тўкилиди. Ерга туқилган пахта микдори тўрт фойз атрофида бўлди, ҳолос.

Бу йилги режалар инада улкан. Хўжалик ҳудудида 6500 аҳоли яшайди. Фалга ҳисобига пахта майдонлари анча қисқарганига қарамай, аҳоли жон бошига бир тоннадан пахта ештиришига қарор қилинди.

Яъни, давлатта бу йил 6500 тонна «оқ олтин» топшириш мўлжалланяпти. Шу ҳосилнинг 95 фойзи машиналарга терилди. Бу ерда хашарчига ҳожат йўқ. 40 дан зиёд машина кучи билан кунига тўрт фойздан зиёд пахта топширишмоқда. Механизаторларнинг ҳомчулига қараганда, тўқмай териш ҳисобига тўқшумча 500 тонна пахта топширилади.

Х. НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Нуктаи назар

ИСТИҚЛОЛ ИСТИҚБОЛ ТАЯНЧИ

Бундан тўрт йил муқаддам Марказий Осиё минтақасида бешта мустақил давлатнинг ташкил этилиши бугун дунё жамоатчилиги диққат эътиборини ўзига қаратади. Улар орасида, айниқса, Ўзбекистоннинг биринчи бўлиб, ўз истиқлолини эълон қилиши, биз, чет элдоги туркий халқлар намояндаларини беҳад қувонтирганди.

Мустақил Ўзбекистон раҳбарияти истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўзбек давлатчилиги ривожини тарихий тажрибалар, айниқса, соҳибқирон Амир Темур йўл-йўриқларига таяниб, ўз фаолиятини бутун ўлка бўйича хавфсизлиқни таъминлаш, барча миллатларнинг эркин яшаш, меҳнат қилишлари учун қулай шaroит яратиш беришга қаратади. Биринчи марта мустақил қуроли кучлар — мудоффа вазирлиги асос солиниб, қисқа муддат ичида умумий тинчлик ва барқарорликни таъминлашга муваффақ бўлинди.

Ушбу даврда тинчлик ва бақарорлик Ўзбекистон учун ҳаётий аҳамиятга эга эди. Чунки тинчлик ва хавфсизлик бўлмаган ҳойда кишилар ҳеч қачон бемалол яшай, ижод қилиш имкониятларига эга бўла олмайдилар. Афғонистонда 18 йил давом этган омонсиз уруш ҳамда унинг фожиялари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистоннинг турли соҳаларда эришган ва эришаётган муваффақиятини асосий омилларидан бири шундан иборатки, у нафақат Марказий Осиё, балки бутун Ҳамдўстлик Мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб сайловларни демократик асосда ўтказди, жаҳон андозаларига мос тушадиган Конституциясига эга бўлди. Шу йўсинда соҳибқироннинг машур ўғити, яъни «Давлат агар тўра тузувча болганмас экан ундай давлатнинг шухуи, қудрати ва тадбири йўқолади» деган олтин қондасига амал қилинди. Бу эса ўз навбатида ҳамдўстлик давлатлари учун ўрнатилган бўлмоқда.

Хўқий демократик давлат қуриш каби улкан мақсадни ўз олдига қўйган Ўзбекистонда ҳуқуқ ва сиёсат бўйича етук миллий кадрлар тарбиялаш учун Тошкент давлат юридик институти, жаҳон муаммолари институти, Ички ишлар вазирлиги академияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг хўқий давлат ва жамят қурилиши академияси каби олий ўқув юрталари ҳамда илмий текшириш муассасаларига асос солинди.

Ўзбекистон аини пайтда мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлаш, мамлакатни тараққиётнинг оқсак поғоналарига олиб чиқиш, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ва тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш учун кўп қиррали сиёсатини дадиллик билан амалга оширмоқда.

Утган тўрт йил ушбу сиёсатнинг тўғри ва маълум эканлигини тажриба исботлаб берди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайёҳаркати наҳасида Тожикистондаги бигосарқушлик уруш тўғрисида, минглаб беғунор инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Тожикистондаги урушнинг олди олинши минтака учун катта стратегик аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов қўшини Афғонистонда давом этаётган қон тўқилишларини олдини олиш ва қуроли тўқнашуларга хотима бериш борасида ҳам муайян тақлифларни ўртага ташлади. Мисол учун у киши Туркияда бўлиб ўтган ЭКО раҳбарлари учрашувига сузлаган нуқтада Афғонистонга уруш олиб бораётган барча музокара олиб беришга чакирган эди. Ислам Каримов нафақат Туркия, балки Покистон ва бошқа қўллаб қавлаётган ташири чорига ҳам Афғонистондаги тўқнашулар, бутун минтақа тинчлигига салбий таъсир кўрсатишини бир неча бор таъкидлойдилар. Бундан олийжаноб тинчликсеварлик ҳамда инсонпарварлик гоялари билан йўлларини ташаббус тўғрисида мамнуният ҳисси билан гапирмаслик асло мумкин эмас.

«Туркистон — умумий уйимиз» гоясини ана шу тинчликсевар сиёсатининг бошқа бир ёрқин кирраи сиёсатида баҳоламоқ лозим. Туркистон мустақил давлатлари бирлигининг амалга оширилиши, иттифоқ парвангадан сўнг минтақада юзага келган сиёсий бўшлиқни тўлдирши билан бирга, тинчлик ҳамда давлатлар chegarасини мустаҳкамлашга қаратилган вазирлар Шунингдек, у жаҳон миқёсида ҳам сиёсий мувозанатни сақлаш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати унинг халқаро миқёсидаги обрў-эътиборини тобора оширмоқда. БМТ, ЕАҲТ, Жаҳон банки, Қорағ Аденуэр фонди каби бир қанча халқаро ташкилотлар воқалатхоналарининг биринчи бўлиб Тошкентда очилиши дунё миқёсидаги илмий, сиёсий, шунингдек, ва маданий аномаларнинг шу ерда ўтказилиши мазкур гузал шаҳарни дўстлик, тинчлик, маърифат марказига айлантирди.

Ўзбекистон олиб бораётган сиёсатга қатор давлат раҳбарлари ҳамда халқаро ташкилотлар юқори баҳо беришди. Мамлакат мустақиллигининг турт йиллик минсораси билан АКШ Президенти Билл Клинтоннинг мустақил Республикаси Президентини Ислам Каримовга йўллаган қўллов мактубда илҳор қўлдан эзугун ният қурмас ва самимиятга тула суларни мустақил ёш давлатга нисбатан қўрсатишдан катта эҳтиром ва ишонч сифатида баҳоламас керак. Мен бир чет эл фуқароси сифатида шунчалокда таъкидлашмоқчиманки, турт йил давомида Ўзбекистон босиб ўтган йўл ва эришган сиёсий, иқтисодий, илтимой ҳамда маданий ютуқлар уз муҳимлиги, ҳаётийлиги билан кўларни қаматиради. Бу кунга қадар ўтказилган самарали таъжуба ҳамда қўлга киритилган улкан муваффақиятлар самараси ўларок, Ўзбекистоннинг порлоқ кўнжашига энди ҳеч ким шак-шубҳа билан қарамайди.

Абдулҳамид Шарий **ЖУЗЖОНИЙ**, хўққушунос.

ДАСТУРХОННИ ТЎКИН ҚИЛАЁТГАНЛАР

ИЙГИМ-ТЕРИМ арафаси эди. «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги боғида туи баҳонасида пахтакорларг нон ушатилади. Дастурхон тўкин. Ҳамама туманининг катталари кутариди. Шу виқт кўпмигандан ҳолат юз берди. Сайдилло Бегайиевич еттичилигидаги фаоллар келиши-ю, йиғиннинг туртига хўжалик бригадирларини ўтказишди.

— Дастурхонни тўкин қиланган сизлар, — деди ҳоким. — Энди белини маҳкам боғланглар. Шу баҳона эрта баҳорги воқеалар ҳалимиздан утди. Ушанда тумандаги барча бригада бошлиқлари истадилми, истадилми, соғомлаштириш санаторийсига дамо олишга борялганми. Ахир қишлоқ кишиси хўжалик юмушларидан ортиб, ҳордиқ чиқаришни йўлармиди?

Хўжалик раиси Турсунбой Ҳожиқабаров ҳамданги иш тутди: — Маррага ким биринчи бўлиб етиб келди, соғирта тулпор мендан, — деди.

Кутаринки кайфийтли пахтакорлар бешлавуи қизгин тус олди.

Раиснинг яна тантилиги тутди. Ҳар бир бригадига икки бошдан бўрдоқки қўй улашилди. Асдила иссиқ овқат ҳам пахтакорларга бепул эди.

Туркук қишлоғида 15 миңдан зиёд аҳоли яшайди. «Шарқ юлдузининг эса 825 гектар ери бор. Авалги илларда четдан ҳашарчи келмаса, қаровон қадами жаддалашмасди. Бу йил ундай бўлмади. Қишлоқ аҳлининг узи ётпасига теримга отланди. Далаларга ҳосил мўл бўлган экан, хирмонга қўлига кирди. Бригадирлар ўртасидаги баҳсини айтмасизми. Гоҳ Қодиржон Зўфоров, гоҳ Нуриддин Мамадалиев пешқадам бўлди. Барбир улдоқни Абдуллобоқ Паттаев олиб кетди. Раис туман ҳокими совғаси ҳамда тулпорнинг жиловини бригадирга тутқазаркан, сўради:

— Бу ёти нима бўлади? — 150 фойзга етказмай галварини сувадан кутарсанк, ҳисобмас, — жавоб қўйтарди бригадир. Дарвоқе, хўжалик авзолари Ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил кутариб, туманда биринчи бўлдилар. Ҳоким. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Сайдилло Бегайиев сир бой бермади: — Режани 120 фойзга уладлаганингизда қўл олишамиз. Туркуклилар ҳамятйли, лафзи ҳалот жақ. Уларнинг давлатта 3140 тонна «оқ олтин» соғитиб, иккинчи донадан ошганларига анча бўлди. Лекин дехқон кўнгили тиңирмиди, далаларда ҳосил чўти баланд бўлса, ором топармиди? Яқинда Турсунбой Ҳожиқабаровни учратдик. Юзид табаскум. Ҳосил лароманини ҳомчўт қилангилар. — 34 миллион сўмга пахта сотдик, — леиди у. — Терим якунигача 40 миллионга етказамиз. Яширишинг ҳожати йўқ. Терим арафасида хўжалиқнинг топгани кун ўтказишга арағт

стаётган, қарзга ботиш хавфинида эдилар. Пахта харид нархининг ошганлиги туфайли энди и миллионларга эга бўлди. Албатта, пахтадан келатган фойда меҳнаткашлар оғирини енгил қилгилти. Аини қунарларда қишлоқда 8 км. масофага газ қувури тортиляпти, 13 км. га ичимлик суви олиб келинди. 2 км. йўл қайтадан таъмирланди. Хўжалик фаоллари фойдангиди 10 миллион сўмини пахтакорларга иш ҳақи сифатида беришмоқчи. Дехқон қўли пул курсин дейишяпти.—

Изобсан далаларида терим давом этапти. «Урганчи», Бобур номи. «Ўзбекистон», А. Тиллабоев номи, «Чўноғиш» жамоа хўжалиги, «Пойтуғ» ширкатлар уюшмаси дехқонлари терим сурьатига сурьат қўшиб, катта қаровонни олдинга етакляптилар. Изобсанликлар 29,720 тонна «оқ олтин» тайёрлаб, юзине ёрғут қилганларига анча бўлди.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бир хат изидан

ҚОНУНИ БИЛМАСЛИК — ДАЛИЛ ЭМАС

Тахририятимизга «Нико-нур» кўп тармоқли илмий-ишлак чиқариш фирма-маркази раҳбариятидан шикоят хат келган эди. Унда ёзилганча Чилонор туманидаги «Нақшолик» кўчаси, 2-уйнинг 1-подъездини фирма номига расмиийлаштирилиб, ижарага олинган, бу ердаги кўчига хоналарни эгаллаб турган республика тадбиркорлари касабга уюшмаси Марказий Кенгаши бир неча мартаба оғоҳлантурулишига қарамай, ушбу жой ўз малакати ҳисобига таъмирланганини руқча қилдиб, ўз давосидан воз кечмади. Ҳатто бу иш Тошкент вилояти хўжалик суди ва республика Олий хўжалик суди томоғинан қўриб чиқилди, «Нико-нур» фирмаси фойдага ҳўқи чиқаришди. Шундай бўлса-да, суд қарорлари ва оғоҳлантурулиш хатлари натижасиз қолмоқда. Ҳўм, айб кимда?

Биз ушбу саволга жавоб беришни сураб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир авзоси, Ырйик фанлари доктори, профессор Ҳожиқабар **РАҲМОНҚУЛОВ**га муурожаат қилдик.

Бинолари бошқармаси тадбиркорлар касабга уюшмаси Марказий Кенгашига ижара хўқуқидан маҳрум этиш ва бошқа ташилот билан ижара ҳақида шартнома тузишга тула ҳақли эди. Ижара муносабатларини ҳўқуқий жиҳатдан расмиийлаштиришининг олди қондиларини ҳам билмаслиги ижарачини жавобгарликдан ҳалос этолмайди.

Шундай қилиб, ҳўқуқий жиҳатдан тўғри расмиийлаштирилган ҳеч қандай ҳўжжатга эга бўлмаган тадбиркорлар касабга уюшмаси Марказий Кенгаши 1992-1994 йиллар давомида биноларни эгаллаб келган ва бюджетга зарар етказган. 1994 йилининг июлида хона «Нико-нур»га берилган эса, яна бир ярим йил давомида ўз фаолиятини ушбу фирма ҳисобидан амалга ошириб келди. Жавобгарнинг Тошкент вилояти хўжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ҳўқуқларини бажармаганиги яна бир жиддий қонунбузарликлар. Ҳўқмини бажармаган, бажарилишига тўқкилик қўрсатган шахслар 3 йил муддатга озоқликдан маҳрум этиш орқали жазоланганлар мумкин.

Жавобгар 5 кўнлик муддат ичида хонани ўз иктири билан бўшатиб беришдан бош тортса, амалдаги қонунларга мувофиқ, суд ҳўқми мажбурий тартибда ижро этилиши керак. Жавобгарнинг юқори идораларга ариза-шикоят билан муурожаат қилиши суд ҳўқми ва бўйруғини бажарилиши тўғрисида тўғри асос бўлолмайди. Суд ҳўқмининг ижросига тўқкилик қилган мансабдор шахслар турли шаклдаги жавобгарликка тортилдилар. Аяни холда суднинг ҳўқми ва бўйруғи 1994 йил 19 декабрдан бун бажарилмай келмоқда «Нико-нур» фирмаси айбдор томонидан етказилган моддий зарарини тўлаш таллаб этишга ҳақли. Ушбу ташкилот барча ҳўжжатларини мавжуд қонун-қондаларга мувофиқ тўғри расмиийлаштирган. Суднинг қарори ва ҳўқмили эса амалдаги қонунлар асосида қабул қилинган ва сўзсиз бажарилиши даркор.

Пировардида шуни таъкидлаш жоғики, тадбиркорлар, айниқса, тадбиркорлар манфаатини ҳўқми қилишга даъват этилган ташкилотларнинг раҳбарлари амалдаги қонунларни, норматив ҳўжжатларини яқши билишлари, ўз жамоалари авзолари онгиде қонунларга, суд ҳўқмили ва қарорларига нисбатан ҳўрмат қилишини тарбиялашлари лозим. Эскидан қолган тағ бир «Кўнунни билмаслик — далил эмас!» Бу ҳолат бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида давлатга, айрим қорхона ва ташкилотларга катта зарар етказиши мумкин.

Ойбек ТўРАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент вилояти хўжалик суди 1994 йил 19 декабрда «Нико-нур» кўп тармоқли илмий-ишлак чиқариш фирмасининг даво аризасига мувофиқ қўзғатилган иш бўйича ҳўқм чиқарди. Унда тақдим этилган ҳўжжатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мос деб топилиб, жавобгар — тадбиркорлар касабга уюшмаслари Марказий Кенгаши қонунчи эгаллаб турган «Нақшолик» кўчасидаги 2-уйнинг 1-подъездини бўшатиб бериш позицияси белгиланган. Тадбиркорлар касабга уюшмаси Марказий Кенгаши 1995 йилининг 5 январиде ушбу ҳўқмин қайта қўриб чиқиш юзасидан вилоят хўжалик судига ариза-шикоят билан муурожаат қилган. Ҳўқмилининг қонунчилиги устидан назорат қилувчи хайбат ишга оид маълумотларни диққат билан ўрганиб чиқиб, 1995 йил 16 январда ҳўқмини назорат тартибда қайта қўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилди. Суднинг ҳўқмида «Даво қилувчининг талаблари асосли равишда қонуний деб тан олинган, ҳўқмини ўзгартиришга ҳеч қандай асос йўқ» эканлиги таъкидланган. Кейин тадбиркорлар касабга уюшмаси Марказий Кенгаши раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига муурожаат қилди. Олий хўжалик судининг ҳўқмилининг асосли равишда қўриб чиқиши оқибати бўйича хайбат ишга оид маълумотларни, шунингдек, янги келган маълумотларни ҳам синчилаб ўрганиб, ҳўқмини қайта қўриб чиқиш бўйича 1995 йил 11 майдаги қарори билан Тошкент вилояти хўжалик судининг ҳўқмини Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслар ўртасидаги ижара муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонунларига мос деб тоиди.

Тадбиркорлар касабга уюшмаси Марказий Кенгашидан биларди: Тадбиркорлар касабга уюшмаси Марказий Кенгаши биноларини таъмирлаш ишлари 6 миң сўм (6 миллион сўм-кўпон) сарфлаган. 2. Тошкент шаҳар ҳокими нотура-жой бинолари бошқармаси ижара муносабатларини расмиийлаштиришининг ҳўқуқий асосларини тўшунтирмаган. Эгаллаб турган хоналарнинг қонунчи эканлиги ҳўқуқиде оғоҳлантурулмаган.

Ушбу далиллар нима учун суд томонидан эътиборга олинмади?

Тадбиркорлар касабга уюшмаси Марказий Кенгашига 1992 йил 16 январда тақдим этилган орденинг изоҳ қисмида анча ордер 10 кўнлик муддат ичида рўйхатдан ўтказилмасе, у ўз қўчини йўқотиши ҳақида оғоҳлантуруши бор.

«Кайси идоралар тегишли эканлигини катъий назар, Тошкент шаҳрида жойлашган хоналар, бинолар, ишчоотларни ҳисобга олиш ва ижарага бериш тартиби тўғрисида Низомда (ушбу Низом Тошкент шаҳар ҳокимининг 1992 йил 11 майдаги 45-сонли қарори билан тасдиқланган) ҳам «бошқарма томонидан берилган ордера мувофиқ, ижарачи ва ижарага берувчи ўртасида ўн кўнлик муддат ичида хона (бино)ни ижара қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ бир йилдан беш йилгача муддатта шартнома тузилиши лозимлиги алоҳида уқтирилган. Хона ижарага берилуватган ташкилот шартнома тузиш чоғида «Ижарага берилуватган хонани ҳорий ва тубдан таъмирлаш юзасидан қафолат мажбуриятини тақдим этиши лозим. Ижарага берувчи билан келишиб қилинган таъмирлаш ишлари ижарачини ижара ҳақини тўлашдан озоқ этмайди. Таъмирлаш ишлари қиймати хонанинг ижара ҳақига қўшиб ҳисоблашга келишилган ҳолларда ҳам бу ҳақда тегишли шартнома тузилган бўлиши керак.

«Ижара тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасини узоқ вақт буюиб келганлиги учун Тошкент шаҳар ҳокимининг ижроя аппарати нотура-жой

«ДИСТИХЛИС» — ҲАМ ОЗУҚА, ҲАМ ҚАЛҚОН

ОРОЛ қирғоқларида кутарилаётган чанг-тўзонларнинг юлини узоқ Мексикада ўсадган «дистихлис спикат» деб номланувчи даракт ердамида тушиш мумкинлиги аниқланди. Яқинда Ажиш номи Нукус педагогика институтини ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир авзоси Ж. Бозорбоев раҳбарлигидаги бир гуруҳ ишчилар Мексика сафаридан қайтишгач ана шундай фикрга келдилар.

Олимларнинг таъкидлашича, бир неча йиллардан бун Мексикадаги Текскоко кўлининг қуриб бориши натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарари оқибатларининг олдини олишда «дистихлис спикат» деб номланувчи ўсимлик қўл келмоқда.

Кучли шўрланган тулорда ҳам бемалол ўсаверилган бу ўсимлик аини пайтда чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳам

саналади. Ўз ватанида вотага етганида буйи ўртача 40 сантиметр атрофида бўладиган «дистихлис спикат» Қорақалпоғистон шароитида сынаб қўриланган одатгаидан икки ҳисса зиёд ўсиб кетди. Орол бўйларига «дистихлис»нинг ҳар гектаридан ўртача 40 центнердан ошиқроқ чорва озуқаси йилга олиш қўзда тутуляпти.

Ҳайитбой **АБДУСОДИҚ**,
«Халқ сўзи» мухбири.

РАҚОБАТЧИЛАРГА РЕЖА ПИСАНДМАС

Галларот консерва заводи Жиэзх вилоятидаги турлош қорхоналар ичида энг йиринги ва кексаси ҳисобланган. Бу ерда ҳар йили ўн икки миллион лона банкда турли хил мева-сабзавот консервалари, шунингдек, шифобахш ичимликлар, мураббо ва вино шартблатлари тайёрланди.

Эндиликда қорхонада мулкча муносабат ўзгариб, у икита ҳисдорлик жамятига ажралиб иш олиб бораётганлигини қўчқили билмасе керак. Аини чорда ҳисдорлар ёш незмийларини қайта ишлаш

ни авх олдириб юборишган. Рақобатчилардан бири ижара ширкатларидан миң тонна мева, уч миң тонна помидор ва бошқа сабзавот маҳсулотларни қабул қилиб олиб, мураббо ва тоғматлар тайёрлаётган бўлса, бирида яъни «Шарбат» номини олган иккинчи ҳисдорлик қорхонасида эса «Мева ва узум» агрофирмасига қарашли хўжалик далаларида ештирилган узум ва бошқа хўл мева-сал қайта ишланиб, вино ҳамда турли шартблатлар қадоқлан-

Умуман ҳар иккаласида ҳам табиятининг мавсумий инҳомлари — гилос, ўрик, олма, анор, анжир, нок ваки мева-чеваларни қўшиш учун ҳозирланмоқда. Шу қўшишга ҳиссалдорлар тўрт миллион лона шартли банкарларга тайёр маҳсулотларни захира омборларида жуғнатишга мувоффақ бўлди. Кўп йиллик бўй тажрибага эга бўлган мутаҳасилларнинг фикрига қараганда, рақобатчилар иш сурьати кун сайин ортиб бормоқда. Бундан маълум бўладики, уларга йиллик режа чўт эмас.

Элбегн КАРЧИН.

ЖАНГОВАР МАШИНАЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ...

Россия Федерацияси ва Қорей Республикаси биргаликда пийда қўшилган жанговар машиналарининг янги авлодини яратилиши йўлга қўйди.

«Росвооружения» давлат компанияси вакили А. Кудряшов журналистлар билан суҳбатда шундай деди. У янги техника БМП-3 жанговар машинаси асосида яратилишини таъкидлади. Зеро, мазкур ҳарбий машина тактик-техник ўзига ҳосиллари жиҳатидан хорижда ишлаб чиқарилаётган ана шундай машиналардан афзалдир, деди у журналистларга.

Мазкур тадбир шаҳарда уюштирилган қўпурувчилик ҳаракатларига қарши қўлланилмоқда. Қўпурувчилар сўнгги бир ярим ой ичида мамлакатда олти марта бомба портлатдилар.

ҲИНДИСТОН ТАШКИ ИШЛАР ДАВЛАТ ВАЗИРИНИНГ БАЁНОТИ

«Россия Федерацияси ва Корея Республикаси биргаликда пийда қўшилган жанговар машиналарининг янги авлодини яратилиши йўлга қўйди.»

«Франция ҳўқумати Парижадаи Эйфел миёнораси ва макс-табларни қўриқлаш учун полициячиларни қўпайтиришга қарор қилди.»

«Хиндистон ҳўқумати мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни қўрмоқда, деб баёнот берди республика ташки ишлар давлат вазири Раҳунандаи Лаб Бхатия.»

«АҚШнинг Покистонга катта миқдорда қурол-яроғ сотишини мўлжаллаётганини Хиндистон ҳўқуматини ушбу тадбирни қўллашга мажбур қилмоқда», дейилди жумладан, баёнотда.

АҚШ Хиндистон билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйган. Аини пайтда эса унинг Покистон билан ҳарбий алоқлари



ЕВРОПА КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛИШИ МУМКИН

«Россия Федерацияси Келаси йилин январь ойида Европа Кенгашига тўла ҳўқуқли аъзо сифатида кириши мумкин», деди мазкур ташкилотнинг бош котиви, швейцариялик Даниэл Тарнис **РАТА-ТАСС** мухбири билан суҳбатда.

КУБАНИ ИҚТИСОДИЙ ҚАМАЛ ҚИЛИШГА ҚАРШИ

Чунки Европа Кенгаши парламенти Ассамблейсининг Россия Федерацияси берган аризасини қўриб чиқишга қарор қилгани бунга ишонч туғдилади, деди у.

«Мексика Конгрессининг Миллий палатаси депутатлари Америка Қўшма Штатлари томонидан Кубани иқтисодий қамал қилишини тўхташга лозимлиги ҳақида фикр билдирди.»

Мексика парламенти томонидан қабул қилинган резолюциясида АҚШ конгрессининг Кубани иқтисодий қамал қилишини қўчатириши ҳақидаги,

РАСМИЙ РАВИШДА ҚЎШИЛДИ

Бирлашган Араб Амирлиги ядро қурулини тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро шартномаси расмиий равишда қўшилди, деб хабар беради **РАТА-ТАСС** ахборот мақамаси.

Бирлашган Араб Амирлигининг Вашингтондаги элчиси Мўхаммад бн Ҳўсейн Аш-Шо

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТГАН ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИК ЖАМИЯТЛАРИ РЎЙХАТИ

1994 йил 1 августдан 1995 йил 1 августгача

Table with 12 columns: t/p, Ҳиссадорлик жамиятларининг номи, рўйхатдан ўтган вақти ва №, қimmatбаҳо қoғoзлар чикариш суммаси. The table lists numerous companies and their financial data across multiple pages.

(Davomi 4-beta)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТГАН ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ РЎЙХАТИ

1994 йил 1 августдан 1995 йил 1 августгача

Table with 4 columns: t/p, Ҳиссадорлик жамиятларининг номи, рўйхатдан ўтган вақти ва №, қимматбахо қозғалар чикариш суммаси. It lists various companies and their financial data across four columns.



Халқ сўзи
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖҮРАБОВ.

БУЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Аxbорот 36-29-89;
Туғли муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Набатчи муҳаррир — А. Йўлдошев.
Набатчи — Ф. Санасв.